

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2024 йил
11 январь
№ 2 (943)



○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Бу йил Республикамиз Қуролли Кучлари ташкил топганига 32 йил тўлди. Шу вақт мобайнида миллий армиямиз ҳеч бир мамлакатдан ортда қолмайдиган даражадаги қурол-аслаҳаларга, жанговар ускуналарга эга бўлди. Республикамиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган аскарларнинг савияси эса ҳам маънан, ҳам жисмонан юксак даражага етиб улгурди. Юртимизда ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб турли байрамлар ўтказилади ва ўз Ватанига чин садоқат билан хизмат қилиб келаётган бир қатор ҳарбийларимиз юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Бундай тақдирланишлар Ватанимиз ҳимоячиларини рағбатлантиришга хизмат қилибгина қолмай, атрофдаги ёшларга она юртга меҳр-муҳаббат, ватанимиз ҳимоячиларига нисбатан юксак эҳтиром туйғуларини шаклланиб боришига ёрдам беради.

Ватан ҳимоячилари маънавиятини юқори даражага кўтариб, жисмонан бақувват, ақлан етук, сергак бўлиб камолотга етишишларида катта аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, замонавийлаштириш ва ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар мустақиллигимизни асраб-авайлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги ҳамда эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Гўзалхон ҚОДИРОВА,
Шайхонтохур тумани ФВ бўлими кичик инспектори, оддий аскар.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар академияси ҳамда Инновациялар миллий офиси ҳамкорлигида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ҳарбий соҳадаги иқтидорли ёшлар ва ёш олимларнинг илмий ишланмалари ва инновацион лойиҳалари форуми ўтказилди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ФОРУМИ



Мазкур тадбирда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ёшлар академияси, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Ички ишлар ҳамда Миллий гвардия мутасаддилари,

шунингдек, ҳарбий билим юртларида фаолият юритиб келаётган иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар қатнашди.

Анжуман давомида қайд этилганидек, ёшларнинг ташаббус ҳамда иқтидорларини намоён этишлари учун қулай шарт-шароит яратиш, инновацион лойиҳаларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишлари учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Халқ манфаатлари учун бутун кучини, билими ва имкониятларини сафарбар қиладиган шижоатли ёшлар сафини кенгайтиришга хизмат қиладиган ушбу форум доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият юритиб келаётган иқтидорли ёшлар ҳам илмий ишланмаларини, инновацион лойиҳаларини, энг сара ишланмаларини тақдимотларини ўтказишди. Ёшларимиз форум орқали ўзаро ижодий мулоқот қилиб, янгиликлар билан танишиш баробарида амалий тажрибалар алмашди. Вазирлик тизимидаги энг фаол ёшлар ташкилотчилар томонидан эътироф этилиб, муносиб рағбатантирилди. Шунингдек, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ёшлар академияси аъзолигига қабул қилинди.

ФВВ ахборот хизмати.

ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонуни 2023 йил 31 октябрдан кучга кирди.

Мазкур Қонунни қабул қилишга нима зарурат бор эди?

Кейинги йилларда мамлакатимиз мудофааси, хавфсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш, замонавий қуролланган ва қудратли армияни шакллантириш ҳамда ҳарбий хизматчиларни ва Қуроли Кучлар тизими ходимларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шундай кенг қамровли ислохотлар ва саъй-ҳаракатлар натижасида ҳарбий йўналишдаги давлат дастурлари ижросини ўз вақтида ва самарали ташкил этиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда Қуроли Кучлар тизими ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланиши ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва соҳадаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш масалалари алоҳида долзарб аҳамият касб этди.

Шу муносабат билан **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги тегишли фармони қабул қилинди.** Шу ўринда таъкидлаш жоиз, қарийб чорак асрдан буён ҳарбий прокуратура ор-

ганлари фаолияти билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилмаган эди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси зиммасига унинг Қуроли Кучларда қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек, ҳарбий прокуратура органлари, шу жумладан, ташкилий-штат тузилишига ва фаолиятга доир бошқа масалаларга оид қатор вазифалар юклатилди.

Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкилий-штат тузилмаси ва таъминоти Мудофаа вазирлигидан Бош прокуратурага ўтказилди.

Бош прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорига ҳарбий прокуратура органларига ҳарбий хизматга қабул қилиш ва ундан бўшатиш, ходимларга белгиланган тартибда ҳарбий унвонлар бериш ваколатлари берилди.

Қуроли Кучлар вазирлик ва идоралари Ҳарбий ҳайъатининг, ҳарбий округлар ҳарбий кенгашларининг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини, аҳолининг тинч ҳаётини таъминлашда қонунийликни таъминлаш борасида Ўзбекистон

Республикаси Ҳарбий прокурори ва ҳудудий ҳарбий прокурорлар масъулиятини ошириш кўзда тутилди.

Бир сўз билан айтганда, бу каби янгилик ва ўзгаришлар ҳамда фармонда белгиланган қатор вазифалар “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тегишли нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Шундан келиб чиқиб ҳамда юқоридаги фармон ва у билан тасдиқланган “Йўл харитаси” ижроси доирасида “Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун **лойиҳаси** ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда қабул қилинди.

Мазкур **қонунга кўра, ҳарбий унвонлар бериш ва олий даражали ҳарбий унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этиш Бош прокурор ваколатига киритилди.**

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг:**

- беш йиллик ваколат муддати;
- йигирма беш ёшдан кичик бўлмаслиги;
- ходимларни муайян лавозимларга тайинлаш ва озод этишдаги, шу билан бирга, ўзига бўйсунувчи

ҳодимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, фармойишлар чиқариш ваколатлари қонуний жиҳатдан мустақамлаб қўйилди.

Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ, прокуратура органлари ва муассасаларининг ходимларига даражали унвонлар ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда улардан маҳрум этиш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартиби “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланиши назарда тутилди.

Умуман олганда, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг **9 та моддасига ва жами 18 та нормасига** тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Муҳтасар айтганда, ушбу янгилик ва ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари тизимида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ҳарбий прокуратура органларининг чинакам мустақил фаолияти учун мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида, шу жумладан, бюджет маблағларини ва давлат мулкини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўриқовчи чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишга замин яратади.

Ақбар БОБОЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурори,
адлия полковниги.

Бухоро ҳарбий прокуратураси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ёшлар маркази биносида ёш ҳарбийлар форуми ҳамда ёшлар ва ҳарбийлар ўртасида ватанпарварлик ойлигини ўтказиш учун старт бериш маросими бўлиб ўтди.

ОЙЛИК ДОИРАСИДА

Тадбирда Бухоро ҳарбий прокурорининг ўринбосари Х.Аҳмаджонов, Бухоро гарнизон бошлиғи Ф.Назриддинов ҳамда фахрийлар иштирок этдилар.

Шунингдек, байрам-тадбирида вилоят Маданият бошқармаси, “Ўзбек-концерт” давлат муассасаси томонидан тайёрланган бадий мусикий композицион дастури, вилоят санъат усталари, бадий жамоалар, ҳарбий оркестрлар ўз чиқишлари билан иштирокчиларга

байрамонга кайфият бағишлади.

Тадбир сўнггида Бухоро гарнизондаги Қуроли Кучлар куч тузилмаларида ёшлар сиёсатини таъминлаш ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган фаол ҳарбий хизматчилар ташаккурнома ва совғалар билан тақдирландилар.

Маҳмадjon БОЗАРМИРЗАЕВ,
Бухоро ҳарбий прокурори.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам” шиори остида ҳарбий ватанпарварлик тадбири ўтказилди.

СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН

Тошкент ҳарбий прокуратураси, Ёшлар ишлари агентлиги, Зангиота тумани ҳокимлиги ва ҳарбий қўмондонлик ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда фахрийлар, маҳалла фаоллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва бир гуруҳ ёшлар иштирок этдилар.

Қўргазмалар чиқишлар, ҳарбий қурол-аслаҳа ҳамда техникалар намойиши, камондан ва турли ўқув қуролларидан отиш машғулоти барчага манзур бўлди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси.

ДОВОНДА ПРОФИЛАКТИКА

Аҳолини ис газидан заҳарланиши, чақнаш ҳамда ёнғинлар билан боғлиқ фавқуллодда вазиятлардан зарарланишининг олдини олиш мақсадида “Қамчик” махсус қидирув ёнғин-қутқарув бошқармаси бошлиғи полковник Ҳ.Бобонов раҳбарлигида фавқуллодда вазиятлар профилактикаси бўлими ходимлари томонидан “Қамчик” домини ҳудудидаги “Чинор Гарден” умумий овқатланиш шохобчасида, “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўлининг “Орзу” вокзалда ва А-373 “Тошкент-Ўш” автомобили йўлининг 226 км. жойлашган нонвойхона, шунингдек, автомобил йўлининг “Қамчик” туннелида фаолият юритаётган ишчи ходимлар ҳамда фуқаролар билан қиш мавсумида ис газидан заҳарланиш, чақнаш ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ўтказилди.

Г. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
“Қамчик” МҚЁҚБ бўлими етакчи мутахассиси.

Кўнгишларда ЧЕКСИЗ ҲАЛОВАТ

Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армия ташкил этилди. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самарадорлиги, ҳарбий хизматчиларнинг профессионалиги, жанговар руҳи ҳамда психологик шайлиги ҳар томонлама оширилди. Ҳарбий кадрларни илғор технологиялар асосида тайёрлаш бўйича янги тизимлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, фуқароларни мурдатли ҳарбий хизматга қақариш тартиби анча такомиллаштирилди. Жисмонан ва маънан соғлом, юксак интеллектуал салоҳиятли ёшлар саралаб олинмоқда. Миллий армиямизни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий-техника мулк билан таъминлаш, ҳарбий саноат мажмуини такомиллаштириш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Замонавий қурол-яроғ, техника ва етук ҳарбий мутахассисларга эга, энг юксак талабларга жавоб берадиган, юртимиз ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган профессионал Қуроли Кучлар барпо этилган мамлакатимизда тинч, осойишта, фаровон ҳаётимиз ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқда. Жалолдин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизнинг жанговар аънаналари

муносиб давом эттирилмоқда.

Соҳадаги самарали ислохотлар туфайли ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир йигитнинг эзгу мақсадига айланди. Ҳозирги кунда ҳарбий хизматни ўташ нафақат бурч, балки садоқат, матонат ҳамда жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир. Ватанига, халқига садоқатли, азмуш жоғалти, ҳар томонлама етук, жасур ва сергак ўғлонларимиз хизмат қилаётган профессионал армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли қалқони ҳисобланади.

Қаҳратон қиш фасли бўлишига қарамаздан, юртимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлашга астойдил ҳаракат қилаётган, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилаётган ҳарбийларимизга чексиз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Уларга узоқ умр, хотиржамлик, ҳушёрлик ва бахт-саодат тилаймиз. Шундай масъулиятли бурчини сидқидилдан адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ўғлонларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Ҳилолабону АЛОВХОНОВА,
Қамаши тумани ФВ бўлими бўлими инспектори.

Маърифат соати

ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БАДИИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

Бадиий адабиёт оламни ҳар доим кўрсатмаларга бой тарзда кўрсатади. Бадиий адабиёт оламни ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаси ва манбаидир. Шарқ алломалари ва мутафаккирлари томонидан яратилган рисолалари чуқур ўрганиб, муҳокама қилиш, келгуси авлод учун яратилган илмий мерос бутун дунёда илм, фан ва маданиятнинг деярли барча соҳалари тараққиёти учун замин бўлганлигини асослаш ва у орқали инсон онгида миллий ғурур, ифтихор, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бадиий асарларни ўрганиш, таҳлил қилиш, унда ёзувчи қуйган адабий, ахлоқий, фалсафий масалаларни аниқлаш орқали китобхоннинг ўз фикр-мулоҳазаларини далиллар асосида изчил оғзаки ва ёзма баён этишларида кўмаклашади.

Дунёқарашни шакллантирувчи ёрқин тарихий воқеалар, тарихий шахслар образлари ҳам инсонларнинг маънавий дунёсини бойитади, жамиятнинг моддий бойлиги ва маънавий маданиятини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиш туйғусини ўстиради. Ватанпарварлик тушунчаси кенг ҳамда кўп қиррали бўлиб, халқимиз азалдан ўзбекнинг ори, ғурури, юртга муҳаббати ва ички дардини ўзида акс эттирган, ажодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги бўлган турли дostonлар орқали ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди. Чунки ушбу халқ оғзаки ижоди дурдоналарида, яъни миллий-маънавий меросимизда ҳарбий ватанпарварликнинг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Дostonда ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик фазилятлар билан боғлиқ эпизодлар кўплай учрайди. Хусусан, "Алпомиш" дostonи ёшларнинг маънавияти, маданияти, ахлоқ-одоби, Ватанга муҳаббат, орият, мардлик, баҳодирлик, паҳлавонлик, қатъиятлик фазилятларини шакллантиришда ва камолга етказишда муҳим тарбия воситаси бўлиб келган. Ўзбек халқининг энг қадимги ёзма манбаларида аёлларнинг ижтимоий маънавий қиёфаси турли образларда тасвирланади. Чунки, аёллар ҳам фарзандни, оилани, Ватанни ҳимоя қилишда ва душманга қарши курашишда эркаклар кўрсатган мардлик ва жасоратни намоян қилган. Антик давр муаллифларининг таъкидига кўра, агар сак қабиласидаги эркак қизга уйлан-

моқчи бўлса, у билан майдонда якка-ма-якка курашиши шарт бўлган. Агар қиз енгиб чиқса, енгилган киши унинг асирга айланган ва батамом унинг ихтиёрида бўлган. Қиз майдонда енгган кишигагина турмушга чиққан. Дарҳақиқат, шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўлкамиз халқлари маданият-маърифий ҳаётининг илк даврига оид ватанпарварлик қарашлари Ўрхун-Энасой тошбитиклари, "Авесто" ҳамда юнон тарихчилари асарлари орқали бизгача етиб келган "Широқ", "Тўмарис" афсоналари, шунингдек, турли тарихий, адабий манбалар қатида келтирилган "Гулдурсун", "Тупроқ қалъа" каби афсоналар, мифлар, эртаклар, халқ кўшиқлари, тарихий қаҳрамонлик дostonларининг ғоявий-тарбиявий моҳиятида акс эттирилган. Шахс маънавий камолотининг Ватан туйғуси билан боғлиқлиги юзасидан қимматли маълумотлар берувчи, зардуштийлик динининг муқаддас китоби саналган "Авесто" асарида Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжоннинг тарихи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, жўғрофияси ва табиати, илм-фанига доир талай масалалар қамраб олинганлиги билан бир қаторда, халқпарварлик, ватанпарварлик тушунчалари, ғоялари мужассам эканлигини ҳам англаш мумкин. VIII – XIII асрлардаги ватанпарварликка доир қарашларни эса Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар аз-Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Нажмиддин Кубро асарлари

орқали билиб олиш мумкин бўлади. Амир Темур ва темурийлар даврида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари ватанпарварликни мадҳ этганлиги билан алоҳида аҳамият касб этган. XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда ўлкадаги феодал тарқоқлиги билан боғлиқ ижтимоий ҳаёт, маданият ва таълим-тарбияга оид қарашлар Машраб, Гулханий, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Бердақ, Махтумқули асарларида баён қилинган. Абдурауф Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қодирий, шунингдек, Ғафур Ғуллом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Одил Ёқубов асарлари эса XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилгача бўлган даврдаги ватанпарварлик қарашлари тараннум этилган. Биргина Чўлпон шеърларини ўқир экансиз, Ватан тақдири учун қуюнчаклик, курашчанлик, унинг истиқболга қатъий ишонч руҳи билан йўғрилган тийрак нигоҳини сезиб турсиз. Тўмарис ва Широқ, Муқанна ва Спитамен, Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангуберди, Дукчи эшонларнинг ҳаёт-мамонт жангига отланган, азиз бошлари кундага қўйилиши аниқ бўлса-да, ўз этиқодига хиёнат қилмаган Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар иродасининг букилмаслиги – Ватан муҳаббатини азиз жонларидан ҳам аъло кўргани, ватанпарварлик тарбиясининг шахс маънавий камолотида юксак мақомда туришини кўрсатади. Ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг тарғиботи "Авесто" адабий ёдгорлигида, "Гўрўғли", "Алпомиш" сингари қаҳрамонлик дostonларида, "Темур тузуқлари", "Маҳбуб ул-қулуб", "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" каби ижтимоий-ахлоқий пандномаларда ажойиб тарзда талқин қилинган. Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимизнинг ҳарбий ватанпарварлигини ахлоқий

идеал сифатида улуғлаш, уларнинг ватанпарварлик фазиляти билан боғлиқ ахлоқий қарашлари ва ҳаётий фаолиятлари акс этган манбаларни чуқурроқ таҳлил қилиш ҳарбий ватанпарварликни янада юксалтиришга хизмат қилади. Алишер Навоийнинг "Ҳамса" дostonидаги "Ҳайрат ул-аброр"да адибининг олам ва одамга қарашидagi ўзига хосликлар фалсафий-ахлоқий руҳдаги ҳикоя, қисса ва мулоҳазалар орқали ифодаланади. "Фарход ва Ширин" ишқий-романтикага тўйинтирилган қаҳрамонлик дostonидир. "Лайли ва Мажнун" эса адабиётимиз тарихидagi "энг фожиавий ишқ қиссаси" сифатида машҳурдир. "Сабъайи сайёр" ишқий-саргузашт йўналишда бўлса, "Садди Искандарий"да қаҳрамонлик тараннум этилган. Уларда инсониятнинг ўзига хос руҳий олами, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий қарашлари, муаллиф кўзда тутган бадиий ният, ўша даврлардаги ижтимоий ҳаёт манзаралари акс этган. Аслини олганда, маънавий қашшоқлик давлат ва жамиятни заифлантирадиган энг катта куч ҳисобланади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Ўз ерни кўйиб, Ҳинд сори юзландим, Ёраб, нетайин не юз қаролиғ бўлди" деган таваллосида Ватан тимсоли инсоннинг қалбу шуури, эс-ҳушига жон қадар ва битмас-туганмас маънавий-руҳий озиқ беришини сезиш қийин эмас. Таъкидлаш зарурки, ўзбек халқининг миллий-маънавияти ва ахлоқий қадриятларида ҳарбий ватанпарварлик юрт тарихи, тақдирига чуқур ҳурмат билан қараш, Ватан ҳимояси йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилят сифатида қадрланади. Ватанга муҳаббат ва унинг келажига ишонч умумхалқ манфаатларига қаратилган ягона мақсад асосида шаклландидагина ҳарбий ватанпарварлик ўз тақдирини Ватан, миллат тақдири билан боғлаган барча фидойи кишилар фазилятига айланади.

"Vaziyat" муҳбири
Анвар ҚОБИЛОВ тайёрлади.

Наманган вилояти ҳокими ташаббуси билан вилоятнинг турли маҳаллаларида яшовчи 250 дан зиёд кам таъминланган оила фарзандлари учун совғалар ажратилди. Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт мажмуасида ушбу совғаларни ўз эгаларига топшириш жараёнлари бўлиб ўтди.

ТАШАББУС

Тадбир давомида болажонлар учун Янги йил арчаси атрофида қувноқ дастурлар намойиш этилди. Хусусан, вилоят ФВБ ходимлари ҳам ногиронлиги бўлган фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюришиб, вилоят ҳокимининг совғаларини тақдим этишди.

Қаҳрамон САТТОРОВ,
Наманган вилояти
ФВБ ахборот хизмати
бошлиғи, капитан.



ШАРАФЛИ ВАЗИФА

Оҳангарон туманидаги 20-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир ўтказилди.

Қамчиқ" МҚЁҚ бошқармасининг кўп йиллик тажрибага эга бўлган, фидойи ходимлари иштирок этган ушбу тадбир давомида юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, Ватан олдида шарафли хизмат қилаётган соҳа вакилларининг машаққатли меҳнати, шу жумладан, ФВБ фаолияти хусусида сўз юритилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўз навбатида, истеъдодли ўқувчилар томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар ҳам намойиш қилинди. Ўзаро мулоқот давомида эса ёшлар ўзларининг қизиқтирган барча саволларига ҳарбий хизматчилардан аτροφлича жавоб олдилар.

Ш.ҚУДРАТОВ,
"Қамчиқ" МҚЁҚ бошқарма бошлиғининг ўринбосари,
капитан.

FAXRIYLAR FAXRIMIZ



Namangan viloyati FVB boshlig'i polkovnik Bunyod Egamnazarov boshchiligidagi bir qator harbiy xizmatchilar uzoq yillar tizimda xizmat qilib nafaqaga chiqqan faxriylar xonadonlarida bo'lib, ularning hollaridan xabar olindi.

Bu kabi tadbirlar Namangan shahar va barcha tumanlarda amalga oshirilmoqda.

Oybek TOSHPOLATOV,
Namangan viloyati FVB boshlig'i
o'rinbosari, polkovnik.



YASHIL QOPLAMALAR BARPO ETILMOQDA

O'zbekiston Ekologik partiyasi Xorazm viloyati Kengashi, viloyat FVB hamda hamkor tashkilotlar bilan birgalikda Tuproqqal'a tumani hududida saksovul ekish tadbirlari o'tkazildi.

Ushbu aksiyada so'zga chiqqanlar, bu xayriyali ish bir necha yillardan buyon uzviy davom etib kelayotganini alohida ta'kidlashdi. Shuningdek, saksovul ekish tadbirlari qanday talablar asosida olib borilishi amaliy jarayonlar bilan tushuntirib berildi. Tuyamo'yin o'rmon fondi yerlaridagi 9 800 gektar maydonga saksovul urug'idan, 200 gektar maydonga esa ko'chatidan ekish ishlari bajarildi.

Mutaxassislar fikricha, Orolidan uchgan zararli tuzlar shamollar orqali yurtimizning hududlariga tarqab, qishloq xo'jaligi hosildorligini 20 – 30 foizga kamaytirmoqda. Ekilayotgan cho'l o'simliklari shunday salbiy holatlarning oldini oladi.

D.URMANOV,
Xorazm viloyati FVB boshlig'ining
birinchi o'rinbosari, podpolkovnik.



MINNATDORLIK HISSI

Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'i polkovnik F.Mirzayev, Gulzor tumani sektor rahbarlari hamda tuman mudofaa ishlari bo'limi harbiylari boshchiligidagi bir guruh mutasaddilar "Sovbog" mahallasida istiqomat qilayotgan Ikkinchi jahon urushi faxriysi 100 yoshli Ernazar Hasanov holidan xabar oldilar. Davlatimiz rahbarining "Yangi yil" bayrami munosabati bilan yo'llangan bayram tabrigi o'qib eshittirildi. Shuningdek, pul mukofoti hamda esdalik sovg'alari topshirildi.

Bayramona ruhda kechgan tadbirda ona-Vatan, tinchlik, mustaqillikni ulug'lovchi she'r,

kuy-qo'shiqlar ijro etildi. Tabaruk otaxon ham o'zining urush yillaridagi xotiralari, og'ir davrlarda ko'rgan-kechirganlari, qiyinchiliklar, hayot tajribalari haqida so'zlab berdi. Bugungi farovon turmushimizning, dorilomon kunlarimizning qadriga yetish kerakligini aytib o'tdi. Prezidentimiz g'amxo'rligi bilan keyingi yillarda urush qatnashchilari va mehnat faxriylari har taraflama qo'llab-quvvatlanayotgani uchun minnatdorlik bildirdi.

S.NOROV,
G'uzor tumani FV bo'limi
boshlig'i, mayor.



O'RGANISHLAR

Chirchiq harbiy prokuraturasi tomonidan aholi gavjum bo'ladigan maskanlarda o'rganish ishlari olib borildi. Mazkur tadbir davomida O'rtachirchiq tumanida ommaviy yangi yil bayrami o'tkaziladigan joyda fuqarolarni xavfsizligini taminlash maqsadida, navbatchi va tezkor harakatlanish guruhlari o'z xizmat faoliyatini qonunchilik asosida hamda tegishli tuzilmalar bilan hamkorlikda olib borishlari o'rganildi.

Uchrashuvdan so'ng FVB harbiy xizmatchilari bilan suhbat o'tkazilib, xizmatni tashkil qilish va o'tash borasida zaruriy ko'rsatmalar berib o'tildi.

S.KALENDEROV,
Chirchiq harbiy
prokurori o'rinbosari, adliya
podpolkovnigi.
Z.TESHABAYEV,
O'rtachirchiq tumani
FV bo'limi boshlig'i,
podpolkovnik.

TOG'LI HUDUDLAR O'RGANILDI

Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi boshlig'i polkovnik F.Mirzayev, Qarshi Harbiy prokurori adliya podpolkovnigi B.Ahmedov va Geologiya qo'mitasi xavfli geologik jarayonlarni kuza-tish xizmati bilan hamkorlikda "Hisorak", "G'elon" va "Ko'l" qishloqlarida bo'lib, qishloq faollari bilan uchrashdi.

Ushbu manzillarda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan turli favqulodda vaziyatlar bilan bog'liq muammolar hamda ularning yechimlari xususida fikr almashildi. Chunki, Shahrisabzning olis tog'li hududlarida doimo sel kelishi, kuchli shamol, xarsang toshlarini qulashi, qor ko'chkisi kabi turli geologik va gidrometeorologik xavfli hodisalar kuzatilib turadi.

**Qashqadaryo viloyati
FVB axborot xizmati.**

"OCHIQ ESHIKLAR" KUNI

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 32 yilligi hamda 14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan Surxondaryo viloyati FVB tomonidan Termiz shahridagi ixtisoslashtirilgan maktab o'quvchi-yoshlari ishtirokida "Ochiq eshiklar kuni" tashkil etildi.

Tadbirda qutqaruvchilar tomonidan maxsus asbob-anjom va qutqaruv, o't o'chirish texnikalari namoyishi hamda favqulodda vaziyatlar sodir bo'lganda ulardan foydalanish usullari ko'rsatib o'tildi.

N.ISLAMOV,
Surxondaryo viloyati FV bo'lim
boshlig'i, kapitan.



TADBIRLAR

Toshkent viloyati FVB "Ko'ksaroy" qarorgohi OYXTTEB yong'in nazorati va profilaktika inspektorlari va qism shaxsiy tarkibi tomonidan Qibray tumani "Xojaqorg'on" MFY hududida yashaydigan aholi ishtirokida favqulodda vaziyatlar va yong'inlarning oldini olish yuzasidan targ'ibot ishlari tashkil etildi.

Aholi yashash xonadonlari va boshqa tarmoqlarda ishchi-xizmatchi hamda aholi bilan nosoz yoki qo'lbola usulida yasalgan gaz va elektr isitish moslamalaridan foydalanish oqibatida yong'inlar sodir bo'lishi, birlamchi yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish tartibi bo'yicha tushunchalar berildi.

Sh.ABDUMONNAPOV,
Toshkent viloyati Qibray tumani FV
bo'limi inspektori, leytenant.

SEMINAR

"Qarshi xalqaro aeroporti" MChJ ishchi-xizmatchilari uchun "Is gazidan zaharlarni holatlarining oldini olish" mavzusida seminar tashkil etildi.

Ushbu tadbir davomida mutaxassislar tomonidan aholi yashash xonadonlarida isitish tizimidagi mavjud nosozliklarni joyida bartaraf etish kerakligi hamda is gazidan zaharlarni, yong'in va gaz-havo aralashmasining chaqnash kabi favqulodda vaziyatlarning oldini olishga qaratilgan muhim tushunchalar berildi.

B.QURBONOV,
Qashqadaryo viloyati FVB
OYXTTEB inspektori, mayor.





ЎҒИЛОЙГА ЎХШАГАНЛАР КЎПАЙСИН

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда юртимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Айниқса, ёшларда спортга меҳр уйғотиш, шу орқали уларни турли ёт ғоялар таъсирдан ҳимоя қилиш устуворлик касб этмоқда. Ёш авлод вакиллари спортга, шу жумладан, бадминтон спорт турига кенг жалб қилиш орқали уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бутун дунёда ривожланиб бораётган мазкур спорт тури бўйича Халқаро ва миллий чемпионатлар ўтказиб келинапти.

Ушбу чемпионатларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган маҳоратли, профессионал спортчилар орасида Сирдарё вилояти ФВБ Боевут тумани ФВ бўлими профилактика ва назорат бўлими етакчи инспектори, Гулистон давлат университети, Жисмоний маданият факультети, Хотин-қизлар спорти йўналиши талабаси, бадминтон бўйича 1-разряд соҳибаси Ўғилой Неъматованинг борлиги ҳам бизни беҳад қувонтиради.

Ў.Неъматова 2000 йилда Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида Ўктамжон Шоимов ва Барчиной Шоимовалар оиласида дунёга келган. 2016 йилда 13-умутаълим мактабини тамомлагандан сўнг, Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши йўналишига ўқишга қабул қилинган. Ўзидаги қобилиятни янада ривожлантириш учун енгил атлетика тўғрисида қатнаша бошлаган. Агар одамда иқтидор, шижоат ҳамда интилиш бўлса, атрофда унинг қобилиятини, истеъдодини кўра оладиган, қадрлайдиган инсонлар зарур бўлади. Уларнинг йиллар давомида устозлик қилиши, қаттиққўллик, талабчанлик билан спорт соҳасининг сир-асрорларини ўргатиши Ўғилойни тинимсиз меҳнатга, изланишга ундар эди. Тинимсиз саъй-ҳаракатлари, интилишлари бесамар кетмади. Аста-секинлик билан нуфузли спорт тадбирларида иштирок этишни бошлади. Хусусан, 2019 йил Жиззах вилоятида ташкил этилган “Ёнғин – кутқарув спорти” мусобақасида фаол иштирок этишга муяссар бўлди. Қизиқарли ва мурасасиз баҳсларга бой бўлган мусобақада ўзига хос хавфли вазиятларда ҳам белгиланган вазифасини бажаришга интилди.

2022 йил Олмалик шаҳрида қизлар терма жамоалари ўртасида ўтказилган ёнғин ўчирувчилар ва кутқарувчилар эстафетаси турида муваффақиятли қатнашгани туфайли жамоа 3-ўринни қўлга киритди. Ҳарбий хотин-қизлар майдонда гарчи ўзаро рақиб бўлсалар-да, аслида, чинакам сафдош, опа-сингилдек аҳил ҳаракат қилиб, бир-бирларидан хизмат сирлари ҳамда тажрибаларини ўргандилар. Ҳарбийлаштирилган қисмлар шахсий таркибининг шошилинч вазиятларда тез ҳамда оқилона ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қиладиган бу спорт турнирида жисмонан соғломлик, тез ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш талаб этилади.

Дарвоқе, шу ўринда қайд этиш лозимки, юртимизда ҳарбийлаштирилган касблар қаторида фавқулодда вазиятлар куч ҳамда тузилмалари моддий-техник имкониятлари ортиб, халқимизга хизмат қилиш самардорлигига эътибор кучайтирилмоқда.



Биргина тизимда ташкил этилаётган ёнғин-кутқарув хизматлари ўртасидаги спорт мусобақаларида иштирок этаётган Ўғилой каби ҳамкасбларимиз ўз маҳоратларини намойиш этиб, ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин эгалламоқда. 100 метр масофага эстафета усулида югуриш, ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасига кўтарилиш, жанговар ёйилиш каби тезкор шартларни бажариш, яқкалик баҳсларида эса тезкор ҳаракатланиш ва касбий маҳоратини намойиш этиш орқали ҳарбий хизматчи янада тобланади. Ана шу жараёнлардаги қийинчиликлар, машаққатлар натижасида тажриба ортиб, масъулият ҳисси ҳам юксалиб бораверади. Ўз касбига чуқур меҳр қўйиб, шу касбда камол топишни ният қилиб, уни мукамал эгаллаш учун астойдил ҳаракат қиладиган Ўғилой Неъматова 2022 йил спортнинг бадминтон тури бўйича Ўзбекистон Кубогига 3-ўринни эгаллади.

– Халқ орасида кенг тарқалган спорт турларидан бири ҳисобланган бадминтон энг қадимий ўйинлардан биридир, – дейди қаҳрамонимиз. – Ёш ва жой танламайдиган ушбу спорт турини дунёда футболдан кейинги ўринда турувчи оммавий спорт турлари қаторига қўшиш мумкин. Бадминтон кўзнинг кўриш қобилиятини яхшилайти, чунки ўйин давомида кўз мушаклари фаол ишлайди. Юрак қон-томир тизимини ҳам шуғуллантиради ва уни янада чидамли бўлишига хизмат қилади. Бадминтон бўйича машғулотлар эпчиллик ва чидамликни ривожлантиради. Ўйин реакцияни кучайтира-

ди ҳамда тезда қарор қабул қилиш кўникмасини ўстиради. Мунтазам шуғулланган инсонда кучли ирода, қатъиятлик, олға интилиш ва ўзига ишонч ҳисси доимо устун туради. Ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Албатта, спорт жараёни мураккаб бўлиб, унда спортчилар узоқ ва машаққатли меҳнат қилиб, маҳорат ҳамда кўникмаларини мусобақалар жараёнида бир лаҳзада намойиш қиладди. Лекин мана шу лаҳзада спортчининг бор кучи, иродаси, билими, эришган ютуқ ва натижалари омма ўртасида кўзга ташланади. Спорт ҳар қандай инсонни тарбиялашга қодир, у спорт чўққиларини эгаллашда ҳар бир шахсдан ўта иродали бўлишни тақозо қиладди. Бунда спортчи босқичма-босқич спорт сирларини эгаллаб боради.

Дарҳақиқат, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган “Универсиада – 2023” спорт мусобақасининг енгил атлетика тури бўйича қатнашган мақоламиз қаҳрамони 3-ўринга муносиб кўрилди. Она юрти ва халқининг тинчлиги, хотиржамлиги йўлида фидойилик билан хизмат қилиб келаётган йигитлар сафига тенгма-тенг хизмат қиладиган Ўғилой Неъматова жамоат ишларида бевосита иштирок этиб келаётган бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби орасида тинимсиз меҳнати, талабчанлиги ва изланувчанлиги билан обрў-эътибор қозонган. Хизмат вазифаларини бажаришга сидқидилдан ёндошади, вазирлик ҳамда бошқарма раҳбарияти томонидан берилган барча топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариб келмоқда. Ўзига нисбатан талабчан, танқидий фикрларни тўғри қабул қиладди, ўзининг профессионал билимларини ошириш устида доимо ишлайди.

Спортчимизга ушбу шарафли вазифа йўлида бугунгидек куч-қувват, бардамлик ва хуш кайфият тилар эканмиз, Ўғилойга ўхшаганлар кўпайсин, деб қоламиз.

Анвар ҚОБИЛОВ,
“Vaziyat” мухбири.
Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ
Ахборот хизмати бошлиғи,
капитан.

BOTULIZM KASALLIGI

Botulizm kasalligidan himoyalash uchun konserva mahsulotlarini tayyorlash texnologiyasiga qat'iy amal qilish, bozorlar, savdo shoxobchalaridan oziq-ovqat mahsulotlari va konserva mahsulotlarini harib qilishda uning yaroqlilik muddatiga jiddiy e'tibor berish, iloji boricha uy sharoitida tayyorlangan tez buziluvchi oziq-ovqat mahsulotlarini sotib olmaslik lozim.

Kasallik belgilari organizmga tushgan zahar miqdoriga ko'ra, 2 soatdan 36 soatgacha davom etadigan yashirin davrdan keyin yuzaga chiqadi. Burun va ko'z shilliq pardalarini qurishi, ko'rish funksiyasining buzilishi, ko'pincha bosh og'rish, yurish muvozanatini buzilishi, tovushning butunlay chiqmay qolishi, ko'ngil aynish, qusish, holsizlik holatlari yuz beradi.

Kasallik belgilari paydo bo'lishi bilan darhol shifokorga va tez tibbiy yordamga murojaat qilish kerak.

S.ZULUNOV,
Andijon viloyati FVB OAV va JTBXQG' boshlig'i, mayor.

O'QUV

Milliy gvardiya Qashqadaryo viloyati bo'yicha boshqarmasida harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolari bilan "Is gazidan zaharlanish holatlarining oldini olish" mavzusida o'quv-amaliy seminar o'tkazildi.

Ikki bosqichda tashkil etilgan ushbu seminar davomida viloyat FVB mas'ullari tomonidan is gazidan zaharlanish, gaz-havo aralashmasi natijasida yuzaga keladigan chaqnashlarning oldini olish, botulizm, quturish kasalliklarining oldini olish hamda yong'in xavfsizlik qoidalariga amal qilish borasida muhim ma'lumotlar aytiladi. Mavzularga oid videoroliklar taqdim etildi. Yong'in sodir bo'lganda birlamchi yong'in o'chirish vositalarini ishlatish bo'yicha amaliy tarzda tushunchalar berildi. Shuningdek, viloyat FVB mintaqaviy qutqaruv otryadining maxsus texnika va asbob-anjomlar ko'rgazmasi tashkil etildi.

Tadbir so'nggida ishtirokchilarga mavzuga oid eslatma va bukletlar tarqatildi.

J.RAHMONOV,
Qashqadaryo viloyati FVB HFXO'M o'qituvchisi.

TUSHUNTIRISH ISHLARI

Qorao'zak tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan sodir bo'lishi mumkin bo'lgan yong'inlar, gaz va havo aralashmasidan yuzaga kelishi xavfi bo'lgan chaqnashlarning oldini olish bo'yicha turli uchrashuvlar, seminarlar, davra suhbatlari va yong'in-taktik o'quv mashg'ulotlari o'tkazilmoqda.

Shuningdek, aholi o'rtasida is gazidan zaharlanish va boshqa turdagi favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida "xonadonbay" tartibida aholi o'rtasida tushuntirish ishlari olib borilmoqda.

A.DJALELOV,
Qorao'zak tumani FV bo'limi P va NB katta inspektori, katta leytenant.



IS GAZIDAN ZAHARLANIB QOLMANG!

Xonadonlarda foydalanayotgan tabiiy gazning asosiy qismi metandan iborat. Metan gazining organizmga ta'siri uning havodagi miqdori 20 foiz atrofida bo'lganida sodir bo'ladi. Nafas olish paytida gaz qonga o'tadi, kislorod o'rnini bosadi va qon orqali tashiladi. Natijada, kuchli kislorod ochligi paydo bo'ladi. Markaziy asab tizimi ta'sirlanib insonda bo'g'ilish vujudga keladi.

Demak, is gazidan zaharlanishning oldini olish uchun avvalo, isitish ta'minotlarini, ya'ni pechlar, qozonxonalar, suv isitish kolonkalarining sozligi, mo'rikonlarning tozaligini tekshirib chiqish zarur. Noso, nostandart, qo'lbo-la isitish moslamalaridan, sifatsiz va texnik ko'rikdan o'tmagan gaz ballonlaridan foydalanishga yo'l qo'ymaslik kerak. Bolalarni, imkoniyati cheklangan va mast kishilarni nazoratsiz qoldirmaslik, ularning gaz va elektr moslamalaridan, ochiq olovdan foydalanishlariga yo'l qo'ymaslik, tabiiy gazdan foydalanishda turli xildagi rezina shlanglar, gaz so'rg'ichlardan foydalanmaslik, chet davlatlarda ishlab chiqarilgan isitish moslamalaridan faqat yo'riqnomaga bilan yaxshilab tanishib chiqqandan keyin foydalanish lozim.

Is gazidan zaharlangan kishini zudlik bilan toza havoga olib chiqish zarur. Qiyin nafas olayotgan yoki nafas olishi to'xtab qolgan bo'lsa, mustaqil nafas olgunga qadar sun'iy nafas oldirish kerak. Agar bemor hushida bo'lsa, tananing yuqori qismini qisib turuvchi kiyimlardan bo'shatib, issiq choy yoki qahva ichirish maqsadga muvofiq. Is gazidan zaharlanib qolgan kishilar, albatta, shifoxonaga yotqizilishi kerak. Chunki keyinroq o'pka va asab tizimi tomonidan og'ir asoratlar vujudga kelishi mumkin.

Doniyor URMANOV,
Xorazm viloyati FVB boshlig'ining birinchi o'rinbosari-Shtab boshlig'i, podpolkovnik.

TARG'IBOT

Chust tumani FV bo'limi xodimlari tomonidan tumandagi 72 ta mahallada is gazidan zaharlanishning oldini olish bo'yicha profilaktik tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, xonadon isitish pechi va plitalaridan xavfsiz foydalanish bo'yicha eslatma plakatlari tarqatilmoqda. Shuningdek, yong'in-qutqaruv avtomobillarining ovoz kuchaytirgichlari orqali is gazidan zaharla-

nishning oldini olishni targ'ib qiluvchi eshittirishlar, ijtimoiy telegram tarmoqlarida is gazi va yong'inlarning oldini olishga qaratilgan roliklar namoyish qilinmoqda. Qolaversa, tuman markaziy bozorlaridagi ovoz kuchaytirgichlar orqali radiomatnlr o'qilmoqda.

Furqat PANOXIDDINOV,
Chust tumani FV bo'limi bo'linma inspektori, leytenant.



YONG'IN XAVFSIZLIGI

Sinovdan o'tmagan tashqi qismida ishlatishga yaroqli belgisi bo'lmagan maishiy gaz ballonlarini ishlatish mumkin emas. Havo harorati +35 darajadan yuqori bo'lgan yashash xonalarida, garajlarda, isitish tarmoqlari oldida, ochiq olov, elektr uskunalari yonida saqlamaslik kerak.



Gaz uskunalari va maishiy gaz ballonlari o'rnatilgan xonalarda uxlash, dam olish taqiqlanadi. Suyultirilgan uglevodorod gazining hidi xonalarda, yerto'lada, yo'lak ichi, hovli yoki ko'chada sezilganda hamda gazdan foydalanuvchi uskuna, gaz ballonining nuqsonlari aniqlanganda "104" raqami orqali avariya-dispatcherlik xizmatga xabar berish kerak.

Gaz ballonlar binoga kirish joyidan 5 metr masofada, devorning eshik romlari o'rnatilmagan tomoniga yonmaydigan materiallardan qurilgan alohida xona yoki maxsus qutiga o'rnatiladi.

Sarvar SA'DULLAYEV,
Qoraqalpog'iston Respublikasi To'rtko'l tumani FV bo'limi boshlig'io'rinbosari, mayor.

ZARUR TAVSIYALAR

Milliy gvardiya Qashqadaryo viloyati bo'yicha boshqarmasida harbiy xizmatchilar hamda ularning oila a'zolari ishtirokida "Is gazidan zaharlanish holatlarining oldini olish" mavzusida yig'ilish o'tkazildi.

Unda viloyat FVB mas'ullari tomonidan isitish mavsumida yoqilg'i mahsulotlaridan xavfsiz va oqilona foydalanish yuzasidan tegishli ma'lumotlar berildi.

Yig'ilish so'nggida qutqaruv xizmati texnikalari namoyishi tashkil etilib, texnikalarning taktik-texnik xususiyatlari va qutqaruv ishlari-ga foydalaniladigan asbob-anjomlarning vazifalari tushuntirildi.



B.ABBOSOV,
Qashqadaryo viloyati FVB inspektori, katta leytenant.

OGOHLIK Qish mavsumida ko'plab aholi orasida e'tirozlarga sabab bo'layotgan "yong'in xavfsizligi uchun yillik to'lov", "tutun puli" deya pul yig'ish holatlari ko'plab uchrab turibdi. Shu o'rinda hech bir qonun-xujjatlarida bu kabi pul to'lash uchun asos yo'qligini aytib o'tmoqchimiz.

Shuni unutmangki, hududingizdagi FV bo'limi harbiy xizmatchilari tomonidan bu kabi ishlar bepul olib boriladi.

F.MAHMUDOV,
O'rtachirchiq tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, kapitan.
A.ZOKIROV,
bo'linma katta inspektori, leytenant.

Тошкент шаҳар ФВБ томонидан “Ватанпарварлик ойлиги” доирасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳат ташкил этилди.

МОЗИЙГА САЁҲАТ



Мазкур тадбирда иштирокчилар давомида йирик давлат арбоби, буюк саркарда, қудратли давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийзодалар ҳаёти ҳақида бир қанча муҳим маълумотларга эга бўлдилар. Ўша даврнинг ноёб топилмаларидан сопол идишлар, мис ҳамда кумуш тангалар, заргарлик анжомлари, мисдан ясалган буюмлар, жангчи совутлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар билан яқиндан танишдилар.

Таъкидланганидек, Амир Темур ёшлик чоғларидан мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан ўқ узиш ва бошқа турли машқлар, ҳарбий ўйинлар билан шуғулланган. Шу тариха моҳир чавандоз ва доворак баҳодир, жасур ва қатъиятли бўлиб улгайган. Соҳибқирон томонидан қурдирилган иморатлар орадан неча асрлар ўтса ҳамки, дунёни ҳайратга солиб келмоқда. Унинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик, илм-фан, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари акс этган “Темур тузуклари” асари ҳамон катта қизиқиш билан мурола қилинади.

Иштирокчилар саёҳатдан яхши таассуротлар билан қайтишди.

Зухриддин ҚУРБОНОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ
ахборот хизмати бошлиғи, капитан.



ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Сурхондарё вилояти ФВБ томонидан “Ватанпарварлик ойлиги” доирасида Термиз шаҳридаги Президент мактабида ўқувчи ёшлар иштирокида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилди.

Тадбир давомида кутқарувчиларимиз махсус асбоб-усуналарни, кутқарув ҳамда ўт ўчириш техникаларини намойиш этишди ва улардан фойдаланиш усулларини амалий кўрсатишди. Шунингдек, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, ёнгин содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ж.Жўраев,
Сурхондарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, капитан.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Хоразм ФВБ, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси, “Худудий электр тармоқлари АЖ Хоразм худудий филиали, “Худудгаз Хоразм” газ таъминоти филиали, “Хоразм сув таъминот” МЧЖ, “Хоразм кўмир таъминот” МЧЖ ҳамда мутасаддиларининг қиш мавсумида аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш, коммунал соҳа тизимида амалга оширилаётган ишлар, мавсумни беталафот ўтказишга қаратилган профилактик тадбирлар фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Тадбир давомида Фавқуллодда вазиятлар бошқармасининг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалалар, содир бўлган ёнгинлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш тартиби, шу билан бирга, аҳоли хонадонларидаги дудбуронларга техник хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг бугунги кундаги фаолияти бўйича саволларга атрофлича жавоб берилди.

Мирзожон ҚУРБОНОВ,
Хоразм вилоят ФВБ ёнгинлар профилактикаси бўлими бош инспектори, капитан.

ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Айрим фуқаролар ўз уйларида эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги, аниқроғи табиий газдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида ёнгин билан боғлиқ кўнгилсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

ФВБ ходимлари ҳамжиҳатлик билан жасорат кўрсатиб, меҳнаткаш халқимиз ҳаётини, мол-мулкни, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнгинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этиб келмоқда. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бериб, йилдан-йилга мамлакатимиз худудида бўлаётган ёнгинлар сонини қисқартиришга олиб келмоқда. Бугунги кунни долзарб масалаларидан бири, турли сабаблар оқибатида юзага келувчи тилсиз ёв бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, огоҳлик ва ҳушёрликни оширишдан иборат.

Х.ВАЛИЕВ,
Метрополитенда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўлими кичик инспектори, катта сержант

ҚОНУНГА БИНОАН...

Жинойят қонунчилиги либераллашувининг муҳим ютуқларидан бири – ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтининг жорий этилиши бўлди. Натижада минглаб фуқаролар “судланган”, деган тамгадан асраб қолинди, минглаб оилалар ўртасида душманлик кайфияти пайдо бўлишига тўсиқ қўйилди ва фуқаролар манфаати ишончли ҳамда самарали таъминланди.

Мустабид тузум даврида эса айтайлик, автоулов ҳайдовчиси йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, йўловчига тан жароҳати етказса, гарча у пушаймон бўлиб, жабрланувчига етарлича ёрдам кўрсатган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликка тортилар эди. Бундан унинг оиласи ҳам азият чекар ва фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатарди. Бир одамни жазони ижро этиш муассасида сақлаб туришнинг ўзи ҳам давлатга ортиқча харажат эканлигини эътиборга ол-

сак, ярашув институтининг қадри янада ошади. Шунингдек, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриб чиқиш учун сарфланадиган вақт ҳам, сарф-харажат ҳам қисқаради.

Ярашув институтининг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ таъминланади. Яъни, унинг манфаатлари устувор саналади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилганлиги учун судланмаган ҳисобланади. Учинчидан, айб-

дор жазоланмасдан тарбияланади.

Ярашув институти жамятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узок давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф этиш имконини берди. Қолаверса, айбга икром бўлишни рағбатлантираётган бу самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатларига барҳам берди. Жараёни тезлаштириш ва соддалаштиришга йўл очди. Фуқароларнинг вақтини тежади.

Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтсак. Пойтахтимизда яшовчи П.Ю.ўтган йилнинг 3 декабрида Яккасарой туманида жойлашган савдо мажмуаларидан бирида фуқаро И.Д.га тегишли 1 300 000 сўмлик уяли

телефон аппарати ва ҳар бири 10 000 сўмлик иккита сим картани ўғирлаган. Суд мажлисида жабрланувчи И.Д. гумонланувчи П.Ю.билан ярашганлиги ҳақидаги ариза билан муносабатни ёнғирлашди, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги сабабли П.Ю.га оид жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишни сўради. Суд ажримига кўра, жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракати тугатилди.

Қисқача айтганда, қонунчилигимиздаги ўзгаришларга биноан ҳозирда ярашув институти самарали қўлланилаётганлиги инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганлигининг яққол ифодасидир.

Азимжон ҲАКИМОВ,
Жинойят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.



АМАЛИЙ-ТАКТИК МАШҚ

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Навоийуран” Давлат корхонаси объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказига бевосита бўйсунувчи Учқудуқ тумани худудидаги комбинатнинг Шимолий кон бошқармасига қарашли “темир йўл” цехида ёнгин ўчириш амалий-тактик машқи ўтказилди.

Ушбу ўқув машғулотида туман ФВ бўлими, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати, Тез тиббий ёрдам хизмати, шаҳар Ички ишлар бўлими, комбинатнинг ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати, объектнинг кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати дуружиначилари ҳамда комбинатнинг Учқудуқ саноат майдонидаги масъул ходимлари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган амалий-тактик машқи объектда тузилган кўнгилли ёнгиндан сақлаш хизмати дружиначиларнинг ҳаракатлари билан бошланди. Машқ давомида темир йўл цехида шартли равишда ёнгин юзага келтирилиб, фавқуллодда ҳолат эълон қилинди. Ёнгин ўчириш автомобилларининг етиб келишига қадар объектдаги КЁСХДлари томонидан ёнгинни кенгайиб кетишининг олдини олиш ишлари олиб борилди. Диспетчерлик хизматининг берган хабарига кўра 7- ва 6-ёнгин-қутқарув қисмидан 2 та жанговар экипажлар воқеа жойига етиб келди. Олиб борилган тезкор тадбирлар, командирларнинг берган кўрсатмалари натижасида шартли ёнгин бартараф этилди.

Машқ ниҳоясида ҳамкорликдаги ташкилотлар ва марказнинг қуёи тизим ходимларидан иборат бир гуруҳ тажрибали ходимлар билан машқ муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда жалб қилинган иштирокчилар томонидан баъзи бир камчиликлар муҳокама қилинди.

Мирвоҳид ЎРИНОВ,
бўлим тезкор навбатчиси, майор.
Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК
Ёнгин хавфсизлиги таъминлашни ташкил этиш маркази ЁҚТ гуруҳи бошлиғи, катта сержант.

ЭНГ КАТТА ИЛОНЛАР

Илонлар одамларда ғоят салбий туйғулар уйғотгани боис, улар ҳақида жуда кўп янглиш фикрлар юзага келган. Энг катта илон шоҳ питонидир, унинг узунлиги 10 метрга яқин келади. Улар Малакка ярим оролида, Бирма, Ҳиндихитой ва Филиппин оролларида яшайди. Жанубий Америка тропикларида яшайдиган анаконданинг узунлиги 7 метр бўлиб, катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда туради. Ҳиндистон ва Малакка ярим оролида кун кечирадиган ҳинд питони эса 6 – 7 метрдан иборат. Африка қоя питонининг узунлиги ҳам тахминан шунча. Австралия ва Янги Гвинейда яшайдиган олмос питон 6,5 метргача ўсади. Одамлар дунёдаги энг узун деб ҳисоблайдиган бўғма илоннинг ўзи аслида, базўр 5 метрга етади. У Мексика жанубида, Марказий ва Жанубий Америкада яшайди. Шоҳилонлар оиласидан бўлган кўзойнакли илон 5,5 метргача ўсиши мумкин.



Заҳарли илонлар орасида энг узун кўзойнакли шоҳилон бўлса, энг оғири олмос шақилдоқ илондир. Кўзойнакли шоҳилон гарчи Жанубий Хитой, Ҳиндихитой ҳамда Филиппинда учрасади, уни Ҳимолай ва Ганг каби Ҳиндистоннинг рамзи ҳисоблашади. Дунёдаги энг катта заҳарли илон ботқоқзор чакаларда, тоғларда, чой ва кофе плантацияларида учрайди. У ақлли ва эҳтиёткор бўлиб, фақат қутилиш чоралари қолмаган пайти ҳужум қилади. Ҳиндларнинг таъкидлашича, илонлар орасида фақат кўзойнакли илон мусаффолик, муқаддасликка эга, муножотлар, мантраларни тушунади. Улар кўзойнакли шоҳилоннинг донишмандлиги ва хонадонларга бахт келтиришига ишонадилар. Халқ эртақларида у маҳоражларнинг ертўллари ва ташландиқ саройларига яширинган бойликларни қўриқлаб туради. Ҳиндлар унинг шарафига махсус байрам нишонлайдилар. Аёллар эрталабдан уйлари девори ва остоналарига турли рангдаги илонларнинг расмини чизади. Ибодатхоналарда гуруч, кокос ва бананлардан назрлар тайёрлашади ва улар шу ерга олиб келинган тирик илонлар олдиға қўйилади. Кўзойнакли илонлар ўрнашадиган чумоли инлари гуллар маржони ва хушбўй пасталар билан безатилади. Морбозлар аввалига илонларни ибодатхона олдиға сут, асал ва бошқа мазали таомлар қўйилган майдонга келтиришади. Расм-русумлар тугагач, одамлар илонлар “шоу”сини кўриш мақсадида шаҳар майдониға йўл олади. Эркалар бир кўлиға илон думи ва бошқасиға кўзойнакли илон бошини кўтарадиган таёқча олишади. Кимнинг илони бошини баланд кўтарса, ўша одам ғолиб саналади. Энг “баланд” кўзойнакли илонга ҳам мукофот топширилади. Болалар ҳеч бир таҳликасиз катта-катта питонларни бўйинларига ўрашади. Улар жуда эрта илон овлашга ўргатилади. Байрамда илонларга зарар

етказилмайди. Байрам сўнгида кўзойнакли шоҳилон қаердан тугилган бўлса, ўша ерга қўйиб юборилади. Ҳиндистонда Вишну ибодатхоналарида кўпинча доира ичида, унинг улкан кийимлари соясида турган илон тасвирланади.

ИЛОНЛАРНИНГ СУЯГИ БОРМИ?

Ҳар бир жуфт қовурғанинг учи, ўз навбатида, илон қорнидаги лаппак мушакларининг биттаси билан уланади. Илонларнинг боши ва жағларида суюги бор. Овқатланаётган пайти илон ўз жағларини кенг очиши мумкин. Чунки оғиз ва томоқ суюқлари қаттиқ бирикмаган. Очиғини айтсак, илонлар ўз ўлжасини ўлдирмасдан туриб ҳам ютиб юбораверади. Улар ўлжасини тириклай ҳазм қилади. Илонларнинг силлиқ танаси қандайдир қаттиқ ўзакка бирикмагандай туюлгани билан уларнинг суюги мавжуд. Илонлар қовурғаси бириккан улама умуртқага эга. Айрим илонларнинг эгилувчан умуртқасига 145 жуфтгача қовурға бирикади.

ИЛОНЛАР ТУХУМ ҚҮЯДИМИ?

Шақилдоқ илон, япалоқбош илон ва сувилонлар тухум қўймасдан болалайди. Бир мартанинг ўзида 75 та бола туғадиган илонлар ҳам аниқланган. Бошқа тур илонлар тухум қўяди. Одатда улар тухумларини овлоқ жойларга, тошлар тағига, ёғочлар орасиға ёки кундалар ичиға қўяди. Илон тухуми шакл жиҳатидан товۇқ тухумидан бироз фарқланади. Улар кичикроқ ва узунроқдир. Аммо катта илонларнинг тухуми катталиги жиҳатдан товۇқларникидан қолишмайди. Илон тухумининг пўсти анча мустаҳкам, терисимон бўлади. Тухумдондаги тухумлар сони илоннинг тури билан белгиланади. Тухум одатда, сарғайган ўсимликлар орасида,

иссиқда, қуёш тағида ётади. Баъзи пайтлар илонлар кулча бўлиб ётиб, тухумларини қўриқлайди.

ҚАЙСИ ИЛОНЛАР ЗАҲАРЛИ?

Заҳарли илоннинг тишини олиш билан заҳарсизлантириб бўлмайди, чунки бу тишлар яна ўсиб чиқади. Илонлар ўз заҳарини, кўпинча, ўлжасини ўлдириб ёки уни еб битиргунга қадар фалаж қилиб ташлаш учун унга санчади. Уларнинг оғзида қоziқтишлари мавжуд. Қоziқтишлар узун ва бир томонида новчаси бўлган икки ёки уч тишдан иборат. Қоziқтиш устидан кетган ёриқ заҳар ажратиб чиқарадиган безга уланган. Заҳарли илон чаққанда заҳар новга тушади ва ундан қоziқтиш ботган жойға ўтади. Кўзойнакли илонларнинг қоziқтишлари оғзининг олд томонида бўлиб, ҳар икки томонида жойлашган. Кўзойнакли илонларнинг қоziқтиш новлари ёпиқ, ўрама шаклда. Заҳарли безни мушаклари ўраб туради. Илон чаққан пайти мушаклар безни сиқади. Бу заҳарнинг новга, сўнг қоziқтиш орқали қурбонга ўтишиға олиб келади. Кўзойнакли илон заҳарини қоziқтишлари билан шприцдан отилаётган суюқлик мисоли тизиллатиб отиши мумкин. Бу сочувчи кўзойнакли илон. У ўлжасининг нақ кўзини нишонга олади. Унинг тизиллаб оқиши 2,5 метрга етади ва кўзни кўр қилиши муқаррар.

Заҳарли илонларнинг заҳар келиш механизми ниҳоятда мукамалдир. Уларнинг қоziқтишлари жуда узун, аммо букланувчан, оғиз шунда бемалол ёпилади. Оғзи чақиш учун очилганда жағини олдинга чўзганча қоziқтишларини томоғининг керакли жойиға келтиради. Умуман, 600 турдаги илонлар заҳарлидир, аммо уларнинг тўртдан бир қисми чаққандагина одам учун хавфлидир. Европадаги бирдан-бир заҳарли илон гадюкалардир.

ГАДЮКА НИМА?

Гадюкаларнинг ҳаммасининг танаси йўғон ва тепа жағида ўрнашган заҳарли тишлари жуда узун. Бу тишлар орасида ёриқ бўлиб, у кўз орти бўшлиғидаги заҳарли безлар билан уланган. Тишлаётганда илон чайнаш мушакларини қисқартиради ва заҳар тишлари орқали очиқ жароҳатға тизиллаб отилиб киради. Ўртача катталиқдаги илон бир мартанинг ўзида қурбони танасиға ярим чой қошиқ заҳар юборади. Бундай илонларнинг тишини суғуриб ташлаш бефойда. Чунки уларнинг ўрнида янгилари ўсиб чиқади! Энг заҳарли гадюка Ҳиндистонда яшайди. Унинг узунлиги 1,5 метрга етади. Умуман, гадюкалар фақат уларнинг эркин ов қилишиға халақит берилганда, безовта этилганда одамға ҳужум қилади. Яхши-си, улардан узоқ бўлган мақбул!

Интернет материаллари асосида Анвар ҚОБИЛОВ тайёрлади.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқулодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СҮЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
сахифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти – 15.00
Топширилди – 15.00

НАВБАТЧИ:
А.ҚОБИЛОВ

Таҳририятға юборилган
материаллар қайтарилмайди
ва изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган материаллар
манбаси кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-сон рақам
билан рўйхатға олинган
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик халқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун – 382

Газета "BUSINESS PRINT DESIGN"
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т.
Адади – 6800 нусха